



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 7 январь, чоршанба • №2 (11.597)

Эркин нарҳда сотилади

Фермер минбари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорликка ишқибоз бўлиб, ихлос қўйиб юрганларга кенг йўл очиб берилди. Биз ҳам бу имкониятдан фойдаланиш учун ҳаракат қила бошладик. Оқибатда 1993 йилда кичик хусусий корхонамизни ишга туширишга муваффақ бўлдик.

Бу корхонада биз асосан, бозордан сотиб олинган ва озроқ муддат боқиб семиртирилган қорамолларни сўйиб, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқара бошладик. Ўзимизга тегишли дўконда сотила бошлаган маҳсулотларимиз харидорларга маъқул бўла бошлаганлиги бизни ишга бўлган меҳримизни, масъулиятимизни янада оширди. Изландик, янгиларни ишлаб чиқаришга жорий эта бошладик. Кўп ўтмай, 15 турдаги қолбаса ва бошқа харидоргир гўшт маҳсулотларини мўқим ишлаб чиқара бошладик, янги технологияларни жорий этдик.

Шуниси қувонарлики, корхонамизнинг маъкеи мустақамланди. Иқтисодий қувватимиз ортиб борди. Ўтган йилнинг июнь ойида Парижда Халқаро сифат конвенцияси президенти жаноб Хосье Приеттининг кўлидан «Халқаро сифат учун» олтин юлдуз олишга муваффақ бўлдик. Бу бизни гоятда руҳлантирди, қувонтирди. Гап шундаки, бу конвенцияга 166 мамлакатдан вакиллар қатнашди. Мамлакатимиздан эса беш нафар фермер хўжаликлари ўз махсу-

ИМКОНИЯТЛАР ДАВРИ

лотларини намоиш қилдилар. Пойтахт вилоятидан эса вакил бўлиб бизнинг хўжалигимиз иштирок этди ва ғолиб бўлди.

Хусусий ишлаб чиқаришни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, янги замонавий технологияларни жорий этиш, маҳсулот харидоргирлиги ва юқори сифатлилигини таъминлашга эришиш фаолиятимизнинг ўзаги ва мазмуни деб билишни ўзимизга шиор қилиб олдик. Бу шиорнинг асосий моҳияти ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар жиҳатдан ошириш кўламини кенгайтиришдан иборатдир. Очиғи, бунинг учун имкониятимиз чегараланган эди. Чунки, биз бор-йўғи 1,25 гектар майдонда фаолият кўрсатар эдик. Мақсадга эришиш учун мутасаддиларга, юқори ташкилотларга мурожаат қилдик. Улар бизнинг илтимосимизни, талабларимизни

ўрганиб чиқдилар ва ижобий ҳал этдилар. Туманимиздаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги худудидан бизга каттагина ер майдони ажратиб берилган бўлди. Биз аминмизки, бу ерлардан олинган озуқа маҳсулотлари асосида ўзимизнинг корхонамиз эҳтиёжи учун керак бўлган чорва молларини семиртириб, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга эришамиз. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган, сал кам 1700 бош товук боқилаётган фермани янада кенгайтириш, аҳолига парҳез гўшт маҳсулотлари ва

тухум етказиб беришни йўлга қўйишимиз мумкин. Табиийки, хўжалигимиз кўрадиган соф фойда ортади, биз бу фойданинг бир қисmini ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш ва механизациялашга сарфласак, қолган қисmini ишчи-хизматчилар турмуш фаровонлигини яхшилашга ишлатамиз. Натижада халқимиз дастурхонига етказиб берадиган маҳсулотларимизнинг хили, тури янада кўпайди. Бу ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган фермерчиликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошишига қаратилган қарорларининг бажарилишига бизнинг янги йилда кўшган амалий ҳиссамиз бўлади.

Мухтор ТҶХТАНИЁЗОВ,
Тошкент туманидаги
«Тўхтаниёз ота» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари.

ҚАДРЛАЙЛИК, МЕҲР УЛАШАЙЛИК

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, саховат ва меҳр-мурувват кўрсатиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ташаббуслари билан 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги бу ғамхўрликнинг янги ёрқин намоиши бўлди.

Бош қомусимизда ҳам энг аввало, демократиянинг умуминсоний тамойилларига асосланиб, инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати олий қадрият сифатида кафолатланди.

Чунончи, Конституция-мизнинг XIII боби 59-моддасида «Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар» дейилган. Касаба уюшмалари муассаса, корхона, ташкилот маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига, меҳнат муҳофазаси қонунларида риоя этилишини назорат қилади. Баъзан касаба уюшмалари томонидан айрим меҳнаткашларни ёки

бутун бир жамоанинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маъмурият билан улар ўртасидаги келишмовчиликларни адолатли ҳал этиш юзасидан судга мурожаат қилган ҳоллар ҳам учрайди. Агар далилларга тўхталадиган бўлсак, 2003 йилда Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгаши аралашуви билан ноқонуний ишдан бўшатишдан бир қатор ходимлар ўз вазибаларига қайта тикланди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланган ёки касб касаллигига чалинган 10 дан ортиқ ишчиларга етказилган зарар ундирилиб, жабрланганларга алоҳида мурувват кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).

САБОҚ ОЛИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича республика ўқув методика Маркази бир неча йиллардан бери самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Марказ нафақат пойтахтда, балки вилоят шаҳарларида ҳам кўчма курслар ташкил этган. Ана шундай кўчма курслардан бирида — Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими ҳузуридаги 22-мактабда эллиқдан зиёд боғча мудиралари учун қайта тайёрлов машғулоти бўлиб ўтди. Профессор-ўқитувчилар, до-

центлар ва кўп йиллик иш тажрибаларига эга бўлган педагогика, психология, фан ўқитиш технологияси, логопедик ва дефектология мутахассисларининг назарий ва амалий машғулоти тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Суннатулла РИЗАЕВ.

Юқоричирчиқ тумани «Янгибозор» маданият уйида ногиронларни қўллаб-қувватлаш ва уларга меҳр-мурувват кўрсатишга бағишланган марафон ташкил этилди. Унда ширкат ва фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотларнинг юздан ортиқ раҳбарлари иштирок этишди. Меҳр ва мурувват йилида ногиронлар турмушини яхшилашга қаратилган катта саховат кўрсатишди.

МАРАФОН

Латифжон
МАНСУРОВ.

ТАДБИРКОРЛАР ТУҲФАСИ

Меҳр ва мурувват йили Қибрай туманидаги Ўнқўрғон қишлоғи аҳлига яна бир хурсандчилик олиб кирди. Қишлоқнинг «Обод» маҳалласида янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Асосан маҳалладаги 3000 аҳолига хизмат қиладиган шифо маскани хусусий тадбиркорлар Акмал Тўлаганов, Фахриддин Нуримов, Худойберган Тўлагановлар маблағига бунёд этилди. Шунингдек, тумандаги «Турон» ширкат хўжалиги ҳам бу савобли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Қулайликка эга бўлган ўнқўрғонликлар лойиҳа ташаббускори қишлоқ фуқаролар йиғини хизматидан миннатдорлар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Аёл, Ойла, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ойлик саҳифаси №6

УЙ БЕКАСИ

Уй бекаси — оила тақдири учун масъул. У ана шу масъулликни нечоғлик чуқур англаб етса, ҳис қилса, ўз хатти-ҳаракатини шунга мос тутса, билингики, оила мустаҳкам.

3-4-бетлар

ЁШЛАРНИ ЧОРЛАСИН

Бундай мусобақалар, албатта, ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

7-бет.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - СИЗНИНГ
ГАЗЕТАНГИЗ!

Обуна бўлдингизми?

Эслатиб
ўтамыз:
бизнинг
индекс —
205.

САФДА ЎҚУВЧИЛАР

100дан ортиқ ўқувчилар граната отиш, арқон тортиш, тош кўтариш, сафда юриш каби машқларни бажаришди.

8-бет.



ЎСИМЛИКЛАР ХИМОЯСИ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Тошкент Давлат аграр университетида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзқишлоқхўжаликкимё" компанияси ҳамкорлигида ўсимликлар химоясига бағиш-лаб ўтказилаётган ўқув семинарининг иккинчи туркум машғулоти бошланди. Унда Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё ва Намангон вилоятларидан таклиф этилган соҳа ходимлари иштирок этмоқда.

Семинар қатнашчилари олти кун давомида мутахассисларнинг ўсимликлар химояси борасидаги янгиликлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари ва келгусидаги вазифалар хусусидаги маърузаларини тинглади. Соҳадаги илғор тажрибалар билан танишади.

Ўқув машғулотларининг очилишида Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев иштирок этди.

Ў.А.

Республика ўқувчилар саройида 14 январь — Ватан химоячилари кунига бағишланган ёш ракетамоделчилар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда "Ка-

маълумки, касаба уюшмалари жамоат ташкилотлари орасида алоҳида ўрин тутди. Бу биринчи навбатда унинг оммавийлиги билан белгиланади. Бугунги кунда вилоят бўйича 600 мингга яқин меҳнаткаш касаба уюшмаларига бирлашган. Улар иқтисодиётда банд аҳолининг 80 фоизини ташкил этади. Иккинчидан, касаба уюшмалари кенг шаклланган ташкилий тузилмага эга бўлиб, 11 та тармоқ касаба уюшмалари тасарруфида 6 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги пайтда ижтимоий меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси билан тартибга солиб туриш механизмини такомиллаштиришга ва бозор иқтисодиётининг асосий субъектлари — иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ҳамкорлиги ва манфаатлари муштараклигига асосланган ижтимоий шерикчиликнинг таъсирчанлиги ортиб бормоқда. Жумладан, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг вилоят ҳоқимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳудудий келишув доирасида меҳнаткашлар учун манфаатли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай ҳамкорлик натижасида ижтимоий ривожланиш, аҳолининг турли табақаларига ёрдам кўрсатиш, меҳнат шaroитлари ва муҳофазаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш билан бандликни таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш каби масалаларга оид жамоа келишувлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёш ихтирочилар танлови

молот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мазкур саройнинг ёш ракета-созлар тўғараги аъзолари, халқаро аэрокосмик мактаб ва спорт-техника клублари

вакиллари иштирок этди.

Болаларнинг авиатехникага бўлган қизиқишини ошириш, келгусида улардан малакали муҳандис, лойиҳачи ва ихтирочилар етишиб чиқишига замин ҳозирлаш

мақсадида ташкил этилган мазкур танловда юз нафарга яқин ўсмир қатнашди. Етти йўналиш бўйича 15 нафар ўқувчи кўрик-танлов голиби бўлди.

Ў.А.

ва жамоа шартномалари тузилиб, улар меҳнат шарт-шароитлари мезонларини мувофиқлаштирувчи, шунингдек, иш берувчилар ва меҳнат ходимлари ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштирувчи ҳужжатга айланмоқда.

Сўнги беш йил мобайнида амалга оширилган фаолият натижасида жамоа келишувлари

мирида касаба уюшма аъзолари ва улар оилаларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳалардаги ҳимояси, дам олдириш ва соғломлаштириш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ногиронларга меҳр-муруват кўрсатиш масалалари ётади. Шу билан бир қаторда жамоа шартномаларига мазкур кор-

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2003 йилнинг 9 ойи мобайнида вилоятимиз меҳнаткашларидан 2902 нафари санаторийларда, 7100 нафари санаторий-профилакторийларда, 1656 нафари дам олиш уйларида ўз соғлиқларини тикладилар. Касаба уюшмалари аъзоларининг 22 минг 398 нафар фарзандлари эса, ёз мавсумида соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдилар. Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилари, Оролбўйи минтақаси болалари вилоятимизнинг хушхаво манзилларидаги оромгоҳларда имтиёзли соғломлаштирилди. Буларнинг ҳаммасига ижтимоий сугурта маблағларидан 1 миллиард 7 миллион сўм сарфланди.

«Кириб келаётган йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилишдан мақсадимиз, — деб таъкидладилар. Юртбошимиз, — одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас қисмига айлантиришдан иборатдир».

Касаба ташкилотлари бундан буён ҳам ўз ваколати ва имкониятлари доирасида ана шундай хайрли ишларни амалга ошириш, энг муҳими инсон кадр-қиммати, ҳуқуқлари химояси йўлида хизмат қиладилар.

Муҳайё Тўлаганова,
Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси.

ҚАДРЛАЙЛИК, МЕҲР УЛАШАЙЛИК

ва жамоа шартномаларини тузишга бўлган ёндашув тубдан ўзгарди. Агар 90-йилларнинг бошларида жамоа шартномалари асосан хўжалик ҳисобидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган бўлса, янги Меҳнат кодекси жорий этилгандан кейин, жамоа шартномаларининг аҳамияти ошди, бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларини тузишга эҳтиёж кучайди. Агар 1998 йилда 2749 та жамоа шартномаси тузилган бўлса, 2003 йилга келиб улар сони 5 мингтага етди. Бу шартномалар касаба уюшмалари аъзоларининг 500 мингдан ортигини қамраб олди.

Жамоа шартномалари за-

хона имкониятларидан келиб чиққан ҳолда меҳнаткашлар манфаатини кўзловчи мингдан ортиқ алоҳида бандлар киритилган. Айниқса, ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлашлари учун қулай шaroитлар яратиш, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини олиб боришда, меҳнат таътилларида қўшимча кунлар берилишида, даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш, ишлаб кетган ходимлардан мунтазам хабар олиш, кам таъминланган оилаларга ва ёлғиз аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида корхона, ташкилотлар маъмурияти билан ҳамкорликдаги фаолиятни кучайтириш масалалари қўйилди ва улар амалга оширилмоқда.

«ОҲАНГАРОНШИФЕР»:

КОРХОНА НУФУЗИ — БИЗНИНГ НУФУЗИМИЗ

Акциядорлик жамиятимиз вилоят бинокорлик ашёлари саноатида ўзининг алоҳида ўрнига эга. Мамлакатимизнинг шу тармоғида ишлаб чиқарилаётган шифер ва асбоцемент қувурлари ҳажмининг асосий қисми корхонамиз улушига тўғри келади. Бу ерда кунига ўртача ўттиз мингта шифер тайёрланади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, жамоамиз зиммасидаги вазифанинг муҳимлиги, айна вақтда шарафли эканлиги янада ёрқин кўринади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин турли хил иншоотлар, бинолар, уй-жойлар қурилиши кенг авж олдириб юборилди. Бу

уларнинг томига ёпиладиган арзон шифер, канализация, алоқа тармоқлари учун ётқизиладиган асбоцемент қувурларга бўлган талабни ҳам кескин оширди. Ишчи-хизматчиларимиз шуни ҳисобга олиб, бундай қимматли қурилиш ашёларини тайёрлашни кўпайтиришнинг

мавжуд имкониятларидан фойдаланишга эътиборни кучайтирмоқдалар. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, эскирган асбо-ускуналарни янгилари билан алмаштириш, илғор технологияни жорий қилиш, ишчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш, акциялар чиқариш ва уларни сотиш каби кўплаб чоратадбирлар кўрилди. Бундай саъй-ҳаракатлар, айниқса, кейинги йилларда катта самара бермоқда. Сурункасига уч йилдан бери юксалиш кўрсаткичлари ортиб бормоқда.


2001 йилда олинган соф фойда миқдори 8 миллион 999 минг сўмга тенг бўлган эди. Кейинги йилда у 1 миллиард 528 миллион 286 минг сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг 40 фоизи акцияларга дивидендлар тўлашга ажратилди. Акциялар эгалари унинг ҳар бири учун 2 минг 450 сўмдан дивиденд олдилар. Айрим ишчиларимиз 700-800 та ва ундан кўпроқ акция сотиб олишган эди. Улар-

нинг бундан олган даромадлари қанча бўлганлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Шиферчилар бу маблағларни ўзларининг турмушларини яхшилаш учун ишлатдилар — тўйлар қилиб, турар-жой шaroитларини яхшиладилар, жиҳозлар, рўзгор буюмлари харид қилдилар. Жамоамиз ўтган хўжалик йилини ҳам меҳнатда катта муваффақиятлар билан яқунлади. Деярли барча маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришда янги марралар эгалланди. Асосий маҳсулот — шифер тайёрлаш ҳажми янада ортди. Буюртмачиларга ўн бир ойда 155,3 миллион дона шифер етказиб берилди. Ўсиш суръати 7,2 миллион шартли плита шиферни ташкил этди. Шунга яраша соф фойда ва даромад ҳажми ҳам олдинги йилдагидан ошқ бўлди. Жамоамиз фаровонлигига хизмат қилувчи дивидендлар тўлаш ҳам кўпаяди. Демак, ак-

цияларнинг анчагина қисмини сотиб олган ишчи-хизматчиларимиз ўз меҳнатлари натижасидан янада кўпроқ манфаат кўрадилар.

Жамоа аъзолари корхонанинг ҳақиқий соҳиблари ҳисобланишади. Буни яхши тушунган ишчи-хизматчиларимиз янги — 2004 йилда ҳам бор имкониятларини ишга солиш ниятидалар. Шу кунларда буюртмачилар билан ўзара ҳамкорлик шартномалари тузиш қизгин давом этмоқда. Корхона аҳли республикамизда шифер ва асбоцемент қувурлари тайёрлашдаги етакчилик мавқеини янада мустаҳкамлаш, нуфузига доғ туширсалиқ учун иш мароми-ни юксалтираверди.

Озод ҲУШНАЗАРОВ,
«Оҳангароншифер» ОАЖ
касаба уюшмаси қўмитаси раиси.



СУРАТЛАРДА: (ўнгдан чапга) цех бошлиғи Мирзоқир Ашуров ва чилангар Маъруфжон Орзуқулов; (чапдан) Лола Килина ва Ҳабиба Ҳасанова.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



Аёл, Оила, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитасининг ойлик саҳифаси №6

Хотин-қизлар кўмиталарида

Оҳангарон

Туман хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда оилада тиббий маданиятни ошириш ва никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу ишларни аҳоли ўртасида кенг оммалаштириш учун барча маҳаллалар ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларида шу мавзуга бағишланган суҳбатлар уюштирилмоқда. Жумладан, бундай тадбирлар Озодлик, Увак, Сусам, Қорахтой қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтди. Шу йилнинг февраль ойи охиригача 70 та маҳаллада аёллар ва ёш йигит-қизлар ўртасида шундай суҳбатлар уюштириш режалаштирилган.

Ангрэн

Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кўмитанинг 2003 йилдаги фаолияти атрофида муҳокама қилин-

ди. Хотин-қизлар, вояга етмаган қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, тўйлар, турли маросимларни ихчам ўтказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўтган йилда ушбу масалалар юзасидан сезиларли натижаларга эришилгани эътироф этилди.

Паркент

Бугунги кунда туманда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш ишларига масъулият билан ёндошилмоқда. Жумладан, адабиёт йўналиши бўйича 22-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Шаҳноза Шожалилова номзоди танловнинг республика босқичига тавсия этилди. Шаҳноза мактабда фанларни пухта ўзлаштириб, айни пайтда бадиий ижод билан шуғулланмоқда. Ёш шоира «Туйгулар» шеърый китобини нашр эттиришга муваффақ бўлди.

Кун тартибида ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

Жамиятнинг муҳим ўзаги — оиланинг мустаҳкам ва барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатларга, айниқса, турмуш қураётган йигит-қизларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлишларига боғлиқдир.

Вилоятимизда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда.

Вилоят оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилишини ва уни тарбиялаш-

нинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури» ҳамда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш бўйича» қарорларнинг ижросини таъминлаш бўйича вилоят хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш, адлия бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ва бошқа

ташкilotларнинг кўшма тадбирлар режаси тасдиқланди.

Вилоятдаги мавжуд 1290 маҳалланинг ҳар бирида юқоридаги қарорлар тарғибот ва ташвиқоти ҳамда ижросини таъминлаш юзасидан қизгин саъй-ҳаракатлар бошланди. Бугунги кунда 900 га яқин маҳаллада шу масалага бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Уларда соғлиқни сақлаш, фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш бўлимлари ва бошқа жамоат ташкilotларининг вакиллари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бермоқдалар.

Ўз мухбиримиз.

УЙ БЕКАСИ

Адиба АҲМАДЖОНОВА,
Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси

— Ҳар бир миллат фақат ўзига хос турмуш тарзи, ўзаро муносабат анъаналари, тарихан шаклланган ўдумлари ва қадриятлари билан фарқ қилади. Уларнинг дурдоналари замирида жамланган умуминсоний қадриятлар асосида дунёда яшовчи бошқа миллатлар билан боғланади. Ўзбек халқи ҳам айни шу рисоладан холи эмас. Бизнинг шундай бир ўзига хослигимиз ўзбек оилаларининг ички ҳаёт тарзи, ўзбек хонадонини мустаҳкам қўрғон сифатида тутиб турувчи «устунлари», уларнинг бутун ҳаёт давомидаги муомала-муносабат қоидаларида намоён бўлади.

(Давоми 4-бетда).



Қибрай туманида Тошматовлар хонадонини ҳурмат қилишади.

Оила соҳиби Пўлатжон уч гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этди. Уй бекаси Шаҳноза эса тўрт фарзандни тарбиялаш билан бирга фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб ишларини олиб бормоқда. Ўз фермер хўжаликларидаги қизгин меҳнат бу оилага фаровонлик бахш этаётир.

СУРАТДА: Шаҳноза Тошматова қизи Маликани мактабга кузатмоқда.

Ўзбеки БОТИРОВ олган сурат.

Дил изҳори

Вилоят «Олима аёллар» уюшмаси турли фанларда илмий даража ва унвонларга эга, илмий-тадқиқот фаолияти билан машғул бўлган аёлларни уюштириб, ижодкор ва истеъдодли ёш мутахассислар маҳорат ва малакасини оширишга кўмак бериб, келмоқда.

МУНОСИБ ҲИССАМИЗ БЎЛАДИ

Уюшмамиз сафида 150 нафардан зиёд олималар фаолият кўрсатаётир. Улар, жумладан, математика, физика, агрохуқуқ, кимё, тиббиёт, биология ва бошқа фанларда илмий-тадқиқот ишларини олиб борадилар. Шу билан бирга олималаримиз илмий-техникавий тараққиётнинг ривожланишига, республика халқ хўжалигининг турли жабҳаларида илмий ютуқларини қўллаб, унинг такомиллашуви муносиб ҳисса кўшиб келмоқдалар.

Ўтган йилда ёш олималаримиздан Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Е. Аблаева, Украинанинг Уммань

давлат академиясидаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик» соҳаси бўйича талабаларнинг халқаро танлови ғолибаси Ф. Султоновалар қатор муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни, илм-фан йўлида изланаётган талабаларимизни кириб келган янги — 2004 йил билан чин юракдан қутлайман. Бу йил ҳам ёш олималаримиз учун самарали илмий тадқиқотлар йили бўлиб қолсин.

Лазиза ҒОҒУРОВА,
вилоят «Олима аёллар»
уюшмасининг раиси.

Инсонларнинг энг бахтли онлари, одатда, улар оила қурган ва илк марта фарзандлик бўлган кунларга тўғри келади. Зеро, ҳар бир киши ўз бахтли жўфтини топишни ва ўзидан зурриёт қолдиришни ният қилади.

МУСТАҲКАМ ОИЛАЛАР ҚУРИЛСИН

Ана шундай ширин орзулар билан 2003 йилда Чирчиқ шаҳрида 808 та оила пайдо бўлди. Уларнинг барчасига шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш (ФХДЁ) бўлими томонидан никоҳ гувоҳномалари топширилди.

2004 йилда ҳам шаҳримизда 900 га яқин оила бунёд бўлиши кутилмоқда. Бироқ энди бўлгуси келин-куёвларда ҳеч қандай хасталик аниқланмаган тақдирда ва жуфтлик бир-бирига тўла мослигига тиббиёт ходимлари ишонч ҳосил қилганларидagina биз ушбу никоҳни расмийлаштирамиз.

Илгари қариндош-уруғлар ўртасидаги

қуда-андачиликда ёш келин-куёвлар тиббий кўриқдан ўтишни умуман исташмасди. Бундай ҳолатларга батамом чек қўйиш кўзда тутилган. Асосий мақсад халқнинг, миллатларнинг генотипини соф ҳолда сақлаш, туғилажак ворисларнинг соғлом, бақувват бўлишларини таъминлашдир.

Истардикки, 2004 йилда қурилажак оилалар ҳеч қачон бузилмасин. Ватанимиз келажаги соғлом ва баркамол авлодлар қўлида гуллаб яшнасин.

Феруза ҲАЛИЛОВА,
Чирчиқ шаҳар ФХДЁ бўлими
мудир.

Аёл киши оилаларни ташкил этувчи, унда турмуш ва рўзгор юритиш, бола тарбиялаш, уларни уйлаш-жойлаш аъналарини муқаддас саклаб ўтувчи шундай бир хилқатки, хонадон соҳибининг ҳаёт ва хизматдаги муваффақиятлари, оила мустақамлиги, фарзандлар камолоти унинг ўзини тутишига, маънавий етуқлиги ва турмуш тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Таъбир жоиз бўлса, аёлнинг хатти-ҳаракатлари оила равнақида, хонадондаги хотир-

нинг асосчилари, яратувчиларининг асосчилари, ишдаги икболи, хизматдаги обрў-этибори, жамиятдаги мавқеи, пировард натижада, топиш-тутишининг баракаси бизларнинг ўзимизни тутишимиз, муомала тарзимиз, хатти-ҳаракатимиз билан белгиланади. Шунингдек, ўғил-қизларимизнинг тарбияси, юриш-туриши, ҳаётга муносабати ва ундан ўз ўрнини топишга интилиши ҳам. Ёз буларга рағбат бағишлаши-

олмайдилар. Агар шундай аёлларнинг ўғил-қизларидан: «Онагизнинг қандай устун хислатлари бор?», — деб сўрасангиз, кўп ҳолларда бирор жўяли жавоб ололмайсиз. Асосан, оналарнинг ажойиб пазанда эканлигини ёки бичиш-тикишда чеварлигини айтиш билан чекланишади.

Очиги, эрлар ҳам кўпинча ўз рафиқаларининг фазилатлари мукамал намоён бўлишига ҳаракат қилишмайди. Натижада рўзғори бут бўлган уй бекаларининг бирор ишда ишлашга, ўзларини намоён этишга интилиши рўёбга чиқмай қолади. Эр, онани ва аёлни шахс сифатида эътироф қилиши ниҳоятда зарур.

Она қандай инсон? Унинг ички дунёси қандай? Нималарга қизиқади? Бундай саволлар кўп ҳолларда фарзандлар ҳаёлига ҳам келмайди. Эҳтимол, бу узоқ қиш

ва иқтидор эгаси бўлмасин, — мансаб юкини бир текис кўтариб ўта олмайд. Бу омил хонадон соҳибаси, уй бекаси, унинг хонадонда зарур маънавий иқлимни яратиш, эркак хизмат вазифаларини бир маромда бажариши учун хотиржамлик, кўнгилга ором ва ишонч бағишловчи муҳит туғдириш қобилияти. Демак, шу саъй-ҳаракатлари билан уй бекалари ҳам жамиятга билвосита хизмат қилаётирлар, деб айта оламиз.

Баъзи ҳолларда раҳбарлик ишларида ишловчи аёлларнинг оила, қариндош-уруғ орасидаги ўзини тутишини кўриб ранжийсан, киши.

Мени яна бир ҳолат ранжитади. Бу — гоҳи эркакларимизда нафсоният, ғурур, масъуллик ҳисси йўқолиб, танбаллик кучайиб бораётгани. Улар рўзгор ташвишини вақтида ҳал қила олмасдан, уй-рўзгор тўрвасини аёлнинг бир елкасига илиб қўйишмоқда. Шундай ҳам бўлаётгани, аёл уни кўтараётганини сезишса, хуржунни унинг икки елкасига илиб, буни ҳам кўтарса, рўзгор юкини аёлнинг бўйниларига тамомила ортомқлаб қўйишмоқда. Ахир, рўзгор таъминоти рўйи азалдан эркакнинг зиммасида-ку? Шундай бир шароитда бечора аёлларимиз фарзанд тарбияси, хонадонда маънавий иқлимни яратиш билан қачон шуғуллансин?

Айтмоқчиманки, оилавий ҳаётда эркак ўрнининг устуворлиги йўқолдими, хонадон турмушида ҳақиқий турмуш рисоласи бузилади. Чунки, аёл таъминловчи, боқувчи бўлди, оиладаги муносабат шайини ҳеч шубҳасиз ўзгаради. Айниқса, бу эркакнинг иш-ёқмаслиги, танбаллиги ҳосиласи бўлса.

Кўпинча хизмат юзасидан турли даражадаги раҳбар, ишбилармон, тадбиркор аёллар билан суҳбатлашиб қолам. Гоҳи-гоҳида: «Оилада устунман, эримни ялло қилдириб қўйибман», — деган гапларни эшитаман. Ўйлайманки, бу оилада ички муносабатларда номуносивлик илдиз отибди. Аёлки эркакни ўтказиб қўйдим, деса янглишади. Тўғри, бундай хонадонда маъмурчилик, тўқислик бўлар, лекин асл роҳат-фароғат бўлмайди, хотиржамлик, самимият йўқолади. Эҳтимол, хонадонда каттаю-кичик ипагу зарларга бурканар. Зарварақларга ўраб қиз чиқарилар, келин олинар. Лекин, аввало, эр-хотин муносабатидаги самимийлик, ўзаро ҳурмат йўқолади. Қолаверса, бундай хонадонда фарзанд тарбияси бузилади. Кейинги ҳаётда ўғиллар ҳам, қизлар ҳам кўп-кўп қоқилишади. Ўғил танбал, ғурурсиз, истеъмолич, нафсонияти суст бўлиб вояга етади. Вақтида «ақли кирмас», хулоса қилмас, ҳаракатга тушмас, оилада шундай бўлиши керак, деб тушунса, кейинги ҳаётини ҳам бир маромда ташкил эта олмайд. Афсуски, кўп ҳолларда ёш наставандлар, турли тоифадаги жиноятчилар ҳам фарзандлари шундай тарбия кўрган хонадонлардан чиқётганини кўриб юрибмиз.

Уй бекаларининг «юки» оғир. Бу уларни ўз ҳолларига ташлаб қўймаслики тақозо этади. Ҳозир маҳалларимизда кўркам гузарлар қуриляпти. Уларда маънавият ва маърифат марказлари учун ажратилган хоналар кўпинча хувуллаб ётганлиги сир эмас. Шу жойларда уй бекалари учун қизиқишларига қараб, клублар, турли маънавий, маърифий жамоалар очсақ қандай яхши. Улар бот-бот учрашишсин, рўзгор тутиш, бола тарбияси хусусида баҳслашишсин, боринги, ўзларига оро бериш русумларини ўрганишсин. Касбкорлик, дунё сиёсатидан хабардор уй бекалари — ўқитувчилар, шифокорлар, шоира ва олималар турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишсин. Бундай баҳслар, ўйлайманки, уйда ўтириб қолган аёлларимиз шуурини очиб, уларга ўз имкониятларини намоён этиш йўлларини кўрсатади, руҳларини кўтаради. Зеро, инсонга фақат моддий эмас, балки маънавий бойлик ҳам зарур. Уй бекалари ҳам жамият ишларида дахлдорлик туйғусини рўй-рост ҳис этадилар. Оилаларда тўқисликни, бағрибунликни, жамият ҳаётидаги барқарорликни таъминлашда айна шу ҳиссиётнинг таъсири катта. Буни асло унутмайлик.

«АЁЛ — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Қибрай туманида бўлиб ўтган шоу-дастур ана шундай номланди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, тадбиркор аёллар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир туманда фаолият олиб бораётган тадбиркор аёллар, уларнинг бугунги ютуқ ва камчиликлари, муаммолари ечимига бағишланди.

Туманда бир неча йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб, катта тажриба орттирган ва бугун самарали натижаларни қўлга киритаётган аёллар ўз тажрибалари ва ютуқларини ҳамкасблари билан ўртоқлашдилар.

Уларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

Она — биринчи муаллимдир.

Онанинг меҳри — муқаддас.

Онанинг орзуси — фарзандининг бахтидир.

Бола — онанинг юрагига пайванд қилинган.

Онадан кўзи тўйган одам йўқ.

Бола оғир юк кўтарса, онанинг бели оғрийди.

Она билан уруш ҳеч қачон чиқиша олмаган.

Она биринчи дўст.

Бекалик — онадан қизга мерос.

Қизнинг ҳаёси — гўзаллигидир.

Меҳр — оиланинг қуввати ва жони.

Меҳр бор ерда — кулба ҳам қошона, меҳрсизликда — қошона ҳам вайронадир.

Меҳр илдиз отган жой — иззату ҳурмат масканидир.

Меҳрсиз одам — тошбағирдир. Тошбағирлик эса тириклигидаёқ ўлиқдир.

ҚИРҚ БИР МАҲАЛЛАДА

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ички ишлар бўлими ҳамкорликда шаҳардаги 41 та маҳаллада «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида семинар-кенгашлар ўтказди.

Унда бугунги кунда маҳалларда тинчлик, осудаликни сақлаш, ёшларни жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлардан, турли гуруҳлар таъсиридан асраш, бу жараёнларда хотин-қизларнинг тарбиявий ролини кучайтириш каби масалалар кенг муҳокама қилинди.

УЙ БЕКАСИ

жамлик, барқарорлик ва тотувликда белгилловчи аҳамиятга эга.

Тошкент вилоятида 565 мингдан зиёд оила бор. Аҳолининг 51 фоизидан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Аёлларнинг 31 фоизи ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида иш билан банд. 112 минг аёл ишламайди. Улар муайян хонадон бекаларидир.

Кўриниб турибдики, барча аёллар ҳам давлат юмушлари, дала ёки чорва меҳнати билан банд эмас. Ишламайдиган уй бекалари кўпчиликини ташкил этади.

Уй бекаси, таъбир жоиз бўлса, энг яхши аъналарни жамлаб, оилада ҳаётни ташкил этувчи, унга илиқлик, маъно ва моҳият бағишловчи ноёб бир вужуд. У, бами-соли аккумулятор, ўз саъй-ҳаракатлари, орзу интилишлари билан оиласига рўшнолик, самимият, барқарорлик, яхшиликка муҳом интилиб яшаш хусусиятини сингдириши ва шу орқали хонадон аъзоларига куч-қувват бағишлаши ҳам, ўз ҳаракатсизлиги, номақбул қилиқлари билан бутун бир хонадонни барбод қилиб юбориши ҳам мумкин.

Агар биз ҳар бир хонадонни унинг аъзолари учун мўъжазгина бир ватан деб билсак, уй бекаси шу ватаннинг чироғи. У қанчалар бир текис, ёрқин порласа, шу мўъжаз ватанда ёруғлик, илиқлик барқарор. Чироқнинг пиррираши, шуъласи турли еллар таъсирига тушиб қолиши хонадондаги ёруғликни хира тортиради, уни бекарор, ишончсиз қилиб қўяди. Бинобарин, оила тотувлиги ва баҳамжихатлиги, унинг равнақи, ўтмиш аждодлар ва келгуси авлодлар билан боғлиқлиги аёл оқилалиги билан барқарор.


Уй бекаси — оила тақдир учун масъул. У ана шу масъулликни нечоғлик чуқур англаб етса, ҳис қилса, ўз хатти-ҳаракатини шунга мос тутса, билинги, оила мустақам, унинг аъзолари бахтиёр.

Афсуски, уй бекаларимиз орасида дунёқарашни тор, фаҳм-фаросати ночор, эр, ўғил, қиз ёки келин, кўёв интилишларини, орзумидларини илғашга, англаб етишга ва шунга монанд иш тутишга бефарқлари ҳам оз эмас. Улар ўз ўжар-қайсарликлари, инжиқликлари билан оила ҳаётини зимдан барбод этиб бораётганликларини идрок қила олмайдилар.

Холбуки, бу ҳаётда ҳар бир оила, унинг ҳар бир аъзоси ўзига яраша ва фақат ўзига хос бир кичик дунё. Унинг ўз қондаси, яшаш рисоласи, муомала-муносабат ақидалари бор. Шуларни англаб етиш, тушуниш ва хатти-ҳаракатда, гап-сўзда, борди-келдида ўзини шунга яраша тутиш оилада тинчлик, бағри бутунлик асоси. Шунда оиланинг барқарорлиги устувор, маҳалла-қўйда, қариндош-уруғлар билан муносабатда мавқеи оқори бўлиб бораверади.

Ҳар биримиз уй бекаларимиз, ўз хонадонларимиздаги удумлар-

(Давоми. Боши 3-бетда).



миз ҳам, барбод қилиб юборишимиз ҳам мумкин. Иккинчидан, Яратганнинг ўзи асрасин. Биринчисининг устуворлиги учун биз сабр-қаноатли, бардошли бўлишимиз керак.

Оғир уруш йилларида, эркаклар жангга отланганларида, уй бекалари хонадон чироғини ўчирмадилар. Улар болаларини бағриларига олиб, қурилишда, цехларда, далаларда эркаклар ўрнини эгаллашди, сабот-матонат кўрсатишди ва ёруғликка чиқишди.

Оила аъзолари ўзаро боғланган шундай бир халқки, унда ҳар бир кишининг ўз бурчи, вазифаси бўлиши лозим. Ота — таъминловчи, уй бекаси — тайёрловчи, фарзандлар — истеъмолич сифатида тушунилдими, бундай хонадонда, аввало, барака, файз, тароват бўлмайди, қолаверса, бундай хонадоннинг эртаси истиқболсиз. У таназзулга юз тутди ва агар хонадон аъзолари ўзларини қўлга олмасалар, пировардида барбод бўлади. Шу боис оилада ҳамма ўзига хос яратувчи, созловчи, изловчи бўлгани яхши. Фарзандларнинг ҳам ўз вазифаси, унинг бажарилишига қараб, рағбати ёки танбеҳи бўлсин.

Гоҳи оилаларда аёллар ўзларининг ҳақиқий ўринларини топа олмайдилар, ўзларининг ички имкониятларини рўёбга чиқара

оқшомлари болаларига эртак айтиб берувчи оналар камайиб кетаётганлигидандир? Балки, рўзгор юмушлари толиқтириб қўяётган оналар юкини озгина бўлсаям бошқалар ўз зиммасига олмай қўйганлигидан, уй бекалари концерт, театр ёки кинозалларининг нафосатли таъсирини аллақачон ҳис қилмай қўйганликлари оқибатидир? Оила шажарасини фарзандларга билдириш, улар кимларнинг фарзандлари эканликларини танитиб қўйишда оналарнинг ўрни катта.

Биз уй бекасида хизматчи, елиб-юғуриб тайёрловчини эмас, инсонни, унинг орзу-хавасини кўра билсак, унга ўз имкониятларини намоён этиш учун шароит яратсак, бундан, аввало, фарзандлар тарбияси наф кўради, қолаверса, хонадондаги маънавий муҳит кескин ўзгаради.

Биз кўп ҳолларда у ёки бу эркакнинг, — у хоҳ давлат хизматчиси, хоҳ йирик олим ёки ижодкор бўлсин, — ижтимоий ҳаётдаги юксак мавқеи, муваффақиятлари ҳақида ҳавас билан гапираимиз. Айтилик, раҳбар ўз вазифасини муваффақият билан адо этиб, босқичма-босқич ўсиб, кўтарилиб бораёпти. Бу ютуқларни фақат шу инсон, унинг закоси билан боғлаймиз. Очиги, бу бир ёқлама баҳо. Аслида яна шундай бир омил борки, ушбу ҳеч бир раҳбар, — гарчи у қанчалар ноёб истеъдод

Ҳуқуқий суҳбатлар

ҲАЁТ ЧИРОҒИ



Шу боис, мамлакатимизда аёллар ҳуқуқига доир дастурлар ва ҳукумат қарорлари амал қилмоқда. У хотин-қизларга зарур шароитлар яратишни кўзда тутди. Чунки, аёллар фаровонлиги жамият фаровонлигини белгилаб беради. Ижтимоий тараққиёт аёлни эркинлиги, унинг фаровонлиги билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТнинг «Аёллар камситилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига, «Аёлларга нисбатан зўрликни тугатиш тўғрисида»ги Декларацияга қўшилганлиги ҳам давлатимизнинг аёлларга бўлган эътиборидан далолат беради.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва маънави мустақамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Барча қонунларимиз, шу жумладан, давлатимиз қомуси — Конституциямизнинг 46-моддасида ҳам хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқлилиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий маъқадан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб

Мустақилликка эришган Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ўзига хос ривожланиш йўлини танлади. Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан борар эканмиз, барча соҳаларда кечаётган чуқур ислохотлар жараёни ҳар биримиздан инсон ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси борасида фикр юритишни талаб этади.

Маълумки, инсон ҳуқуқларига доир кўп халқаро ҳужжатлар мавжуд ва уларнинг аксарияти бевосита аёллар ҳуқуқига тааллуқлидир. Зеро, аёллар ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг ажралмас муҳим қисмидир.

Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Зеро, аёлларга эътибор — жамиятга ва унинг келажига эътибордир.

қўйилади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги таъкидланади.

Мазкур қоида Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатларининг бутун бир туркумида мустақамлаб қўйилган. Уларга биноан фуқароларнинг фақат айрим қатламлари — нафақахўрлар, ногиронлар, хотин-қизлар, болалар, уруш ва меҳнат фахрийларига фақат Қонунга мувофиқ, бирор-бир имтиёз берилиши мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ, бу имтиёзлар адолат ва қонун олдида тенглик принциплари асосида берилади.

Асосий Қомусимиз бўлган Конституцияда аёллар, болалар ва оилага алоҳида боб ажратилганлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Конституциямизнинг 65-моддасида «Оналик ва болалик давлат томонидан ҳимоя қилинади» дейилади.

Конституцияда кўрсатилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари билан тартибга солинади. Пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонун, Меҳнат ва Фуқаролик, Оила кодекслари шулар жумласидандир.

Оила кодексининг 4-моддасида «Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш, аёлларнинг меҳнати ва соғлигини сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш учун аёллар-

га шароитяратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади» деб баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги ва бошқа Фармонлари бу борада катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари, Президент Ислон Каримов раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит тўғдириш чора-тадбирларини амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Мустақиллик даврида алоҳида йилларнинг «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили» деб аталиши ҳам ана шу ҳақиқатга асосланади. «Соғлом авлод учун», «Она ва бола» давлат дастурлари ҳам мамлакатимизда хотин-қизларимизга бўлган ғамхўрлик намунаси.

Қонунчилигимизда аёллар ҳуқуқини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, судларда турли фуқаролик, жиноят ва бошқа турдаги ишлар кўрилатганда, биринчи навбат-

да аёллар манфаатини ҳимоя қилиш эътиборга олинган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 23-моддасида никоҳ давомида ортирилган мол-мулклар, шунингдек, никоҳ қайд қилингунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, ҳаттоки, бирлари уй-рўзгор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра, мустақил иш ҳақи ёки бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади деб қайд қилинган. Буларнинг барчаси Республикаимизда ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлат қурилаётганлигидан далолат беради.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек, ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлла-ниш тақиқланиши, ҳомиладор ва ўн тўрт ёшга тўлмаган ёки қармоғида ногирон боласи бўлган аёлларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидеги ишларга жалб қилиниши, хизмат сафарига юбориш тақиқланиши, аёлларга меҳнат ва туғиш таътиллари берилиши қонунда мустақамлаб қўйилганлиги ҳам давлатимизнинг аёлларга бўлган алоҳида ғамхўрлигидир.

Биз, аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Аёллар жамиятнинг етакчи кучи, моҳир ва уздабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир. Президентимиз Ислон Каримов мустақил мамлакатимизнинг фаол инсонлари бўлган аёллар ҳақида фикр юритиб: «Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демаски, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз», — деб аёлларга юксак баҳо беради.

Дарҳақиқат, давлатимиз ва унинг раҳбарияти хотин-қизларга гоятда катта эътибор беришмоқда. Жамиятнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитлар яратилган. Биз аёллар бунга жавобан янада фаол, гайрат ва шижоат билан ишлаб, дунё миқёсида ҳам ўзимизни намоён этишимиз зарур.

Раҳима ҚУРБОНҚУЛОВА,
Тошкент вилояти
прокурорининг катта
ёрдамчиси, адлия
маслаҳатчиси.

МОЛИЯ-ИҚТИСОД
САБОҚЛАРИ

Ҳисобот баланси — йиғма қайднома; корхона маблағларини уларнинг ҳолати, жойлашуви, фойдаланилиши ва пайдо бўлиш манбаларига кўра пул шаклида ифодалади. Ҳисобот баланси актив ва пассивдан иборат бўлиб, уларнинг жами ўзаро тенг бўлиши керак.

Эмитент — қимматли қоғозлар чиқаришга рухсат берилган давлат корхона, бошқарма, ширкат, ҳиссасдорлик жамиятлари ва бошқа ташкилотлар.

Чартлар — нархлар жадвали, бу жадвал ҳисоблаш ва истиқболни белгилаш учун қўлланилади. Устун тарзидаги чартлар ва нуқта-хоч шаклидаги чартлар мавжуд. Жадвалда кўринадиган турли шакллар ва бошқа ёзма белгиларнинг ўхшашлигига асосланиб истиқбол белгиланади.

Факторинг — савдо-тижорат муолажалари тури; мижозга айланма сармоя учун кредит бериш, мижознинг дебиторлик қарзини инкассация қилиш, кредит бериш ҳамда кредит ва валюта хатарини кафолатлаш ишларини ўз ичига олади.

Тўлов талабномаси — тўлов ҳужжати; олувчининг тўловчидан маълум миқдордаги пулни банк орқали тўлаш тўғрисидаги талаби ифодаланган ҳужжат.

Сэтлемент — 1) биржа муолажалари бўйича ҳисоб-китоб; 2) ҳисоб-китоб нархи ҳисобланадиган ва маржа ундириб олинандиган оралик муддати, частотаси — кундалик ёки ҳафталик тугалланиш даври.

Рейтинг (инглизча — rating) — даража, тоифага баҳо бериш. Махсус ваколатхоналар томонидан муайян қарздорнинг қарзни тўлай олиш қобилияти ёки қимматли қоғозларнинг сифати ва ишончлилиги аниқланадиган нисбийлик.

Пул варақаси — (cash card) касса автоматларидан нақд пул олиш имконини берадиган пластик варақача.

Офета — расмий таклиф; маълум шахсга битим тузиш ҳақида унинг зарур шартларини кўрсатган ҳолда билдирилган таклиф.

Ҳикмат

- Келиннинг ҳаёси — бойлик, куёвнинг вафоси — хазина.
- Куёв — куёш, келин — ой.
- Келин-малоҳату назокати билан, куёв матонату садоқати билан.
- Яхши куёв — ўғил, яхши келин — қиз.
- Келин билан куёв — икки авлодни бир-бирига улайди.
- Куёв билан келиннинг оқиллиги хонадонга файз киритади.
- Келин малоҳату назокати билан гўзал.
- Келинчакнинг таъзими — гўзалликлар гултожи.
- Келиннинг хусни ярим бойлик, ақли эса — хазина.
- Келиннинг бахти — одо-бида.
- Уйнинг саришталиги — келиннинг дидига боғлиқ.
- Тонгда келиннинг ўзидан олдин бурчи уйғонади.
- Сарполик келиндан вафоли келин яхши.

Ҳикмат

Тадбиркорлик

«АЛ-ФАРИЗ» ОДИМЛАМОҚДА

Бугунги кунда ўзининг тинимсиз изланишлари, меҳнатлари туфайли ҳаётда бахтини, қадрини топаётган тадбиркор аёлларимиз сони кўпайиб бормоқда.

Жумладан, Алимахон ҳам шулар сафида хизмат қилиб, Бўстонликнинг Озодбош маҳалласида обрў топаётган аёллардан. Ўтган 2003 йил бошларида у уй бекалари, ҳамқишлоқ қизларни йиғиб, «Ал-Фариз» хусусий фирмасини ташкил қилди. Ҳозир фирма тикувчилик-бичувчилик, тўқувчилик бўйича сабоқ беришни йўлга қўйган. Бу ерда бўлажак келинлар учун тўй либослари, мактаб ўқувчиларига бежирим кийимлар тикилади, қўлқоп, қалпоқ, болажонлар учун жун, момиқ иплардан қалпоқ тўқилади. Ҳар уч ойда маҳалланинг 15-20 нафар хотин-қизларига касб сир-асрорлари ўргатилиб, диплом берилади. Фирмада 5 та тўқув ускунаси бор. Алиманинг шогирдларидан Равшана Сарелнова, Мавлуда Тагаева ҳам ёшларга касб маҳоратидан

дарс бера бошладилар.


Алима Содиқова туман тадбиркор аёллар ассоциацияси раиси ҳамдир. Ассоциация қошида компьютер ўқув маркази, бизнес мактаби ташкил этилиб, ҳар бир қишлоқда курслар фаолият юритмоқда. Компьютер ўқув марказида 20-25 нафар қизлар ўқияпти. Мактаб қошида эса, аёлларга кичик ва ўрта бизнес бўйича таълим берилади.

Бундан ташқари тингловчиларга, касб ўрганувчиларга машғулотлар бепул. Фирма ўтган йилнинг ўзида ишлаб чиқаришдан бир миллион сўмга яқин даромад олиб, «Ташаббус — 2003» кўрик-танловининг туман босқичида биринчи, вилоят, республика босқичларида эса, рағбатлантирувчи ўринларга сазовор бўлди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА:
«Ал-Фариз» хусусий фирмаси раҳбари Алима Содиқова; ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.



Савол беринг жавоб берамиз

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Тошкент вилояти кенгашининг ҳуқуқшуноси **Надежда ЕФИМОВА** жавоб беради:

Мен хусусий фирмада иш йил ишладим. Лекин, янги ускуналар ишга туширилгач, менинг эгаллаб турган ўрним қисқартирилди. Шу сабаб, фирма эгаси мени ишдан бўшатмоқчи, лекин, ҳеч қандай ҳисоб-китоб қилмоқчи эмас. «Маошингни олдинг, кетаверсан», — деяпти. Шу тўғриси?

Рашида, Оҳангарон.

— Йўқ, тўғри эмас. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, иш берувчининг ташаббуси билан бўшатилаётган ходимга, аввало, Меҳнат кодекси 107-моддасига биноан ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Унинг миқдори бир ойлик ўртача маошдан кам бўлмаслиги керак.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат муносабатлари бекор қилинганда, агар ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлари шундай қарорга келинишига сабаб бўлмаган бўлса, ишдан бўшатиш нафақаси, агар ходим огоҳлантириш муддати тугагунча ишини давом эттирса, меҳнат муносабатлари бекор қилинган кун тўланади.

Кейинги пайтларда корхонамизда иш вақтидан ташқари пайтларда меҳнат қилиш одат тусига кириб қолмоқда. Ахир, ходимни унинг розилигисиз шундай ишларга жалб қилиш мумкинми?

Ҳакима Қосимжонова, Янгийўл шаҳри.

Шуни эслатиш жоизки, илгари меҳнат қонунлари кодексида иш берувчи касаба уюшмаси қўмитасининг рухсати билан ходимларни уларнинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишларга жалб этишга ҳақли бўлган бир қанча алоҳида ҳоллар назарда тутилган эди. Ходимларнинг бундай ишларни бажаришдан бўйин товлаши меҳнат интизомининг улар томонидан бузилиши тартибидега тасниф этилар, юзага келадиган оқибатлар ҳам шунга монанд бўлар эди.

Меҳнат кодекси 124-моддасининг иккинчи қисмига биноан иш вақтидан ташқари ишлар эндиликда фақатгина ходимнинг розилиги билан қўлланилиши мумкин. Демак, рўй берган ёки содир бўлган тақдирда иш берувчи иш вақтидан ташқари ишларга ходимларни уларнинг розилигисиз жалб этишга ҳақли бўлган бирон бир алоҳида ҳоллар ёки ҳолатларни корхонанинг жамоа келишуви, жамоа шартномаси, шунингдек, меҳнат шартномаси назарда тутиши мумкин эмас.

АКА ҲАМ ОТА МИСОЛИ

Ҳурматли отажон. Оилада бир ўғил, бир қизимиз. Салимжон акам институтни битираётдилар. Мен коллежда ўқийман. Бир ҳолат дилимга озор бераяпти. Акам юриш-туришимни кийинишимга рўйхуш бермайди. Домм тергагани-тергаган. Унинг дастидан дугоналарим қатори на кинога бора оламан, на туғилган кунга...

Холидаҳон, Дўстобод шаҳри.

Оқил отанинг жавоби: Холидаҳон қизим, бу ҳолатдан асло дилнингиз оғринмасин. Аксинча, хурсанд бўлингки, шундай ориятли, номусли акангиз бор. У сизга бамисоли соябон.

Энди тергашларига келсак, акангизнинг раъиятига қанчалик эрта кўниксангиз, шунчалик бахтли бўласиз. Кийим танлаётганда, оилангиз аъналарига амал қилсангиз, «туғилган кун» ёки «кино»га боришни акангиз билан бамаслаҳат ҳал қилсангиз, олам гулистон. Ўзингиз ёзишингизча, акангиз оққўнғил, тўғрисиўз, меҳнаткаш йигит. Билингки, у киши сизга асло ёмонлик истамайди. Камроқ тортишинг, айтганларига амал

Улар ҳақида кам ёзилади «ЮРТ ХОТИРЖАМЛИГИ УЧУН ИШЛАЙМАН»

дейди вилоят санитария-эпидемиология нazorати марказининг лаборатория ходимаси Наима Фозиҳўжаева



Дунёнинг у ёки бу бурчагида ўта юқумли касалликлар тарқалгани ҳақидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларида бот-бот ўқиймиз. «Бундай хасталиклар бизнинг Ватанимизга йўламасин-да», — деб хавфсиз-раймиз-у, уларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда тажриба, мутахассислар етарли эканлигидан кўнглимиз хотиржам бўлиб, кундалик юмушларимизга киришиб кетаверамиз.

Бизнинг бу хотиржамлигимиз орқасида эса кўплаб инсонларнинг машаққатли меҳнатлари, самарали изланишлари турибди. Бугунги суҳбатдошимиз Наима опа Фозиҳўжаева 33 йилдан буён вилоят санитария-эпидемиология нazorати марказининг ўта хавфли юқумли касалликлар тахлилхонасида мана шундай касалликларнинг олдини олиш бўйича фаолият олиб боради. Биз бу аёл билан суҳбатлашар эканмиз,

унинг гапидан шу нарса аён бўлдики, бу соҳа вакилларига нафақат катта сабр-тоқат, балки уларда текшириш учун юборилган ҳар қандай нарсадан тортинмаслик, фидойилик ҳисси мавжуд бўлмоғи керак. Чунки, бундай тахлилхоналарда ҳар бир касаллик пухта ўрганилмаса, ташҳис аниқ қўйилмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши аниқ.

— Тошкент тиббиёт олийгоҳининг санитария-гигиена факультетини тамомлаганимдан сўнг, Қашқадарё вилоятига ишга жўнатадиган бўлишди, — эслайди Наима опа. — Бу гапни эшитган ота-онам дарров қаршилиқ кўрсата бошлашди. Тўғри-да, ҳали турмушга чиқмаган қизни қайси ота-она уч-тўрт кунга эмас, тўрт йил узоқ жойга ишлашга юборади. Лекин, ўз касбимга бўлган интилиш ота-онамнинг қаршиликдан устун бўлгани учун сафарга жўнаб кетдим. Қашқадарё қишлоқларидаги санитария ҳолати ўша пайтларда жуда паст даражада эди. Қишлоқларда ичимлик суви йўқлиги боис аҳоли турли сув ҳавзаларидан фойдаланишга мажбур эди. Шу сабабли ёз ойлари ичак касалликлари кўп бўларди. Қашқадарёда яхши одамлар билан ишлаш менга насиб этди. Улар билмаганимни ўргатишди, ота-онам ўрнида маслаҳат беришди. Кейин — 1970 йили Тошкент вилояти санитария-эпидемиология нazorати қошида ташкил этилган мана шу тахлилхонага ишга келдим. Ўша вақтларда қораоқсоқ, куйдирги, вабо касалликлари бўйича текширишлар олиб борилиб, ташҳис қўйиларди.

Тўғриси, бошида анча қийналдим. Шундай пайтлар бўлганки, касаллик вирусини микроскопда кўриб турибман-у, лекин қандай касалликлигини англай олмай йиғлаганман. Ўзим танлаган касбдан афсусланганман. Мана шундай ҳолатга тушиб юрган кезларим устозларим Нина Адунс, Зоя Чечениналар катта ёрдам беришганди. Улар: «Наима, ўзингизда укувсизлик ҳиссини уйғотма, излан», — дер эдилар.

Шу устозларим ташаббуси билан 1971 йили Ростов-Дондаги юқумли ичак касалликлари институтига малака оширдим. Бу вақт мен турмушга чиқиб, фарзанд кутаётган эдим. Малака оширувчиларни тахлилхоналарга касалга қарши эмлаб олиб кирилар эди. Оғир оёқлигим туфайли бундай жойда малака оширишимга рухсат беришмади. Нима қилишимни билмай қолдим. Ахир, илм олиш керак. Тугилажак боламга бирор қор-ҳол бўлса, айб ўзимда деб тилхат ёздим. Малакали мутахассислар тўрт ой давомида маърузалар қилишди, амалий тажрибалар ўтишди. Бу машғуллар жараёнида ҳақиқий мутахассис бўлиб шаклландим, десам, янглишимасам керак. Кейинчалик эса, Москва ва Ставропол шаҳарларида ҳам малака оширдим. Ҳозир биз ҳам шогирдларга ўргатамиз, маслаҳатлар берамиз. Жамоамиз жуда ахил.

Биз Наима Фозиҳўжаева ишлайдиган лабораториядан чиққанимизда димоғимизга енгил ҳаво урилди. Ҳазиллашиб: «Опа, сизнинг лабораториянгиз ҳавоси бироз оғир эмасми?», — десак, у киши кулиб: «Нима деяпсиз, мен уйда кўпроқ қолсам, димоғларим бу ҳавони хумор қилиб, нафас олишим қийинлашади-ку?! Қолаверса, шу ерда 33 йил ишлаб, 63 ёшни қоралаган бўлсам-да, кувватим бор экан, ишлайвераман», — деб илиққина жилмайди-да, яна ўзининг хонаси томон чаққон юриб кетди.

Камолитдин АСҚАРОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ТУЗ

- Тўқ ранг шойи ва сатиндан тикилган кийимни ювгандан кейин намақобга чайилса (5 литр сувга 125 грамм туз), анчагача ялтираб туради. Кийимга сачраган ёғ доғини кетказадиган бирор нарса топилмаса, доғга туз сепиб авайлаб артиш керак, доғ батамом кетгунча тузни янгилайвериш керак.
- Хўл ўтин тезроқ алангаланиши учун керосин ўрнига бир чимдим туз сепиш кифоя.

Бекажон

- Қайноқ намақобга 2-3 соат ботириб қўйилган супурги синмайди.
- Бир чимдим туз солинса, тухум оқи тез кўпиради. Тухум оқиға ванил қанди ва қаймоқ қўшилса, хушхўр ширинлик ҳосил бўлади.
- Шиша идишлар шўр сувга ювилиб, совуқ сувга чайилса, тиниқ ва ялтироқ бўлиб қолади.
- Ошхонадаги плитага қайноқлигида туз сепиб, газета қоғози билан ишқаланса, осон тозаланади.

СОЧ НЕГА ТЎКИЛАДИ?

Соч тўқилишининг сабаблари кўп. Бундай ҳолатга камқонлик, танада моддалар алмашинувининг бузилиши, асаб ва тери касалликлари сабаб бўлади. Сочнинг жуда ёғли ва ёқсиз бўлишидан ҳам соч тўқилади.

Унинг парваришида, аввало, бош кийимга алоҳида эътибор бериш керак. Қишда иссиқ кийиниш, ёзда эса сояда бошланг юриш жуда фойдали ҳисобланади. Бош терисининг ҳаво оломай кўп терлаши ҳам соч тўқилишига олиб келади. Оқарган сочни қорайтириш мақсадида ишлатиладиган кимёвий бўёқлар баъзиларнинг сочини тўқади. Уни хина ва басма аралашмаси билан бўяш маъқулдир. Бу бўёқлар сочнинг ўсишига ва бақувват бўлишига ёрдам беради.

Узун соч юмшоқ, сийрак тишли тарокда таралиши лозим. Бош ювиладиган сувнинг таркиби ҳам соч тўқилишида катта роль ўйнайди. Сочни ҳам юмшоқ, қор, ёмғир сувига ёки яхши қайнатилган сувга ювиш керак.

Узун, лекин, сийрак сочни илдиридан бир-икки бўғин пастдан салгина ҳўллаб боғланиб, пишиқ қилиб ўралиб, эрталаб ечиб, яхшилаб таралса унинг сийраклиги билинмайди. Ачиқ қилиб дамланган қора чой билан ҳўлланса ҳам соч қорамтир бўлиб, чиройли ялтиради ва хушбўй бўлади. Бундай сочни аёллар «А» витаминли (сут, қаймоқ, сариёғ, балиқ, сабзавот ва ҳўл мевалар) овқатлар истеъмол қилиши керак.

қилинг, асло кам бўлмайсиз. Ака — ота мисоли. Буни ҳеч қачон унутманг.

БАҲАМЖИХАТ БЎЛИНГ

Оқил ота. Оиламиздаги нотинчлик мени безовта қилапти. Қайнонамга на келин бўлиб мен, на ўғиллари ёқамиз. Кейинги пайтда ҳатто, қайнота-қайнонамнинг ўзлари ҳам ўзаро тортишадиган бўлиб қолишяпти. Сабабини сўрасангиз — етишмовчилик...

Саломатой Қурбонова, Олмалиқ шаҳри.

Оқил отанинг жавоби: Қизим Саломатой, хонадонингиздаги муҳитдан безовта бўлаётганлигингиз тушунарли. Етишмовчилик туфайли оилада бўлар-бўлмас тортишув, гап-сўз чиқиши, албатта, яхши эмас. Билсангиз, пала-партиш шамолда ёнаётган шам ўчади. Лекин, сиз қайнонангизга эътироз билдириб, бир фикр айтишингиз ҳам мушкул. Зеро, танг ерда тенгни топиш лозим. Бундай ҳолатда қайнона-қайнотангизни ҳурматлайдиган, тез-тез суҳбатлашиб турадиган қариялар орқали таъсир кўрсатган маъқул. Муҳими, оилада ўзаро муомала муҳитини яра-

тиш керак. Етишмовчиликни баҳс-тортишув, гапа-говур билан ҳеч қачон барҳам топтириб бўлмайди. Фикрингиз тўғри, оилангизда аҳиллик, баҳамжиҳат ҳаракатга интилиш кучайган сари етишмовчилик барҳам топиб боради. Шу сабаб, ўзингиз ҳозирча бардошли бўлинг. Йўқни йўндиришда турмуш ўртоғингизга кўмақдош, фикрдош бўлинг. Шунда ёмон кунлар хонадонингизни тарк этиши аниқ.

ФАРОҒАТ ГАВҲАРИ


Ҳурматли Отажон! Сизга қалбим изтиробларини ёзаяпман. Уйда бўлсам, кўчага чиққудек ҳолим йўқ. Кўчага чиқсам, шу уйга барибир қайтиб киришни ўйласам, юракларим эзилиб кетади. Бирор ишга қўлим бормайди. Гуёки, бундай ҳаётдан тўйган-декман...

Нафиса, Халқобод.

Оқил отанинг жавоби: Қизим Нафисаой, ҳаётингизда бир янглишиб чекаётган изтиробларингизни тушуниб турибман. Бўлар иш бўлган. Унинг дарду алами сизни эзяпти. Лекин, унутмангки, умр бу гоҳи изтиробдан, гоҳи қувончдан иборат. Ҳозирча изтиробдасиз. Би-



рок, умр доим қоронғуликдан иборат бўлиб қолавермайди. Хато қилган бўлсангиз, бу умрингиз барбод бўлгани эмас. Асло. Қоронғу тунларингиз ўтиб, ёруғ кунларингиз келади, қизим. Шу боис ўзингизни қўлга олинг. Яхшигина касбингиз бор экан, ўзингизни ҳозирча иш билан овутинг. Зеро, меҳнат — ҳаёт чироғи. Йўлингизни қоплаган машаққат тошлари орасида фароғат гавҳари ҳам бор. Бугунги кунларингизни меҳнат билан зийнатласангиз, ўша фароғат гавҳарини, албатта топасиз. Келажак ҳаётингиз зийнатли, фароғатли бўлади. Бахтингиз калити ўз қўлингизда, буни асло ғам-андух қулфиға сола кўрманг. Ўз умрингиз роҳатларини бекор тўзитманг.



ФАХРЛАНАМИЗ, МАКСИМ

Хуш табассум билан боқиб турган бу йигитчани яхшилаб таниб олинг. Исми — Максим, фамилияси — Зайко. У ҳар қанча қувонса, ғурурланса арзийди. Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод-2003» спорт ўйинлари дастурига киритилган сузиш тури бўйича битта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритиб, вилоятимизнинг ушбу нуфузли мусобақаларда фахрли иккинчи ўринни эгаллашига катта ҳисса қўшди.

— Андижонга кетишимиз олдидан бўлиб ўтган кузатиш маросимида, албатта, чемпион бўламан деб сўз бергандим, — деди Максим. — Ваъдамга вафо қилиш учун бор куч-ғайратимни сарфладим. Мамлакат миқёсидаги мусобақада биринчи медалим олтин бўлганидан хурсандман.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Саломат бўлинг

КЎЗ ПАРДАСИ САРҒАЙГАНДА

Ҳозирги вақтда вирусли гепатит ер кўрасининг иссиқ ўлкаларида кенг тарқалди. Ўзбекистонда ҳам бу хасталик тез-тез учрамоқда. Вирусли гепатит фақат инсон учун хос юқумли касаллик бўлиб, тана захарланиши ва асосан жигарни жароҳатлаш билан кечади.

Гепатит — лотинча сўз бўлиб, жигар яллиғланиши деган маънони билдиради. А вирусли гепатити — юқумли гепатит, В вирусли гепатити — зардобли гепатитдир. Улар бир-бирдан юқиши ва турлича кечиши билан фарқланади.

Жумладан, А гепатит асосан ифлос қўл, озиқ-овқат ва сув орқали ўтса, В гепатит турли уколлар, қон ва унинг препаратлари орқали юқади. Одатда, гепатитни соғ кишиларга шу касаллик билан оғриган кишилар юқтирадилар.

Вируслар асосан бемор танасидан териси, сийдик орқали ташқи муҳитга чиқади. Касаллик беҳоллик, иштаҳа йўқлиги, кўнгил айнаши, баданда сариклик пайдо бўлиши, қусиш ва ўнг қовурга орасида оғриқ пайдо бўлиши билан кечади. Хасталик бошлангандан сўнг 3-5- кун сийдик ранги ўзгаради. Шу муддатда жигар ва талоқ катталашади. Кўз шиллиқ қаватлари ва бадан сарғаяди.

Вирусни таркатадиган пашшанинг кўзгатувчи микроблари асосий ёрдамчи ҳисобланади. Битта пашша ичида 28 мингтагача микроб бўлиши мумкин. Улар асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ичига ўтириб, юқтиради. Шу сабабли, ҳожатхона, ахлат идишларнинг атрофига хлораминлар сепиб қўйган маъқул.

Юқумли гепатит бевосита беморлардан унинг ўрин-кўрпаси, уст-боши, идиш-товоқлари орқали ҳамда вирус билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилганда юқиши мумкин.

Беморнинг эрта шифокорга мурожаат қилиши ва касалхонага ётқизиши, хасталикнинг олдини олишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Гўзал ҚУРБОНОВА,
«Саломатлик» институти
Тошкент вилояти
филиалининг йўриқчиси.

Тошкент туманидаги 9-мактабда спортнинг «Турон» якка кураши тури бўйича туман очик биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу биринчиликда вилоятимизнинг Бўка, Янгийўл, Зангиота ҳамда Тошкент туманларидан, жами 8 жамоа вакиллари иштирок этишди. 1993-1994, 1995-1996 йилларда туғилган ўғил ва қизлар ушбу кураш турининг 12 вазн тоифасида беллашдилар.

ТУМАНДА «ТУРОН»ЧА БАҲС

Якуний натижаларга кўра, биринчи ёш гуруҳида Қодирбек Ўлмасов, Сардор Акбаров, Дилмурод Орипов, Улуғбек Турсунбоев, Хожиакбар Нуриддинов ўз тенгдошлари ўртасида тенгсиз эканликларини намойиш этишди. Кичик ёшдагилардан Мирислом Тўйчиев, Исомиддин Фарҳодов, Жаҳонгир Эргашев, Акбар Шахрамов, Дониёр Пулатов устозлар ишончини оқлашди. Ўғил болалар қатори чиройли кураш олиб борган қизлардан Умида Толипова, Умида Исроилова ҳам йиғилганлар олқишига сазовор бўлишди.

Мусобақа якунида голибларга вилоят «Турон» якка кураши федерацияси томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Хурида МҲМИНОВА.

ЁШЛАРНИ ЧОРЛАСИН

Мустақиллик йилларида оммавий спортга ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Айниқса, спортни ёшлар орасида оммавийлаштириш учун давлатимиз томонидан талабалар ва ўқувчилар ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мана бир неча йилдирки, булар қаторидан «Футболимиз келажаги» турнири ҳам ўрин олди. Маҳалламизнинг 11-14 ёшгача бўлган футбол жамоаси мана икки йилдирки, бу турнирда голиб чиқди.

Бундай мусобақалар, албатта, ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда. Фақат, ёшларимизга ўзларининг истеъдодларини рўёбга чиқариш учун спортнинг аҳамиятини тушунарли қилиб етказиш, машқларни юқори савияда ташкил этиш зарур. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизда, хусусан, хорижда юксак натижаларни қўлга киритаётган спортчиларни Ватан олдида эришаётган обрў-эътиборларини, давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган хурмат-эҳтиромни ёшларга кўрсата билиш керак.

Бундай ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Бу жиҳатдан Вазирлар

Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Афсуски, кейинги пайтларда вақтли матбуот ва телевидениеда спорт кўрсатувлари кўпайган бўлсада, бироқ, уларнинг кўп қисми хориж спортга ажратилганини кўриш мумкин.

Уйлайманки, бу қарор республикамизнинг чекка-чекка қишлоқларидаги истеъдодли ёшларимизнинг танилишида, шунингдек, ўзбек спортини нафақат ўз халқимизга, балки, дунёга тарғиб қилишда катта хизмат қилади.

Абдусит ҚОДИРОВ,

Оққўрғон туманидаги

«Уста Нормат»

маҳалласининг оқсоқоли.

«ПАХТАКОР», «НЕФТЧИ»: БАҲСГА ТАЙЁРМИ?

Ўзбекистоннинг энг номдор икки жамоаси - «Пахтакор» ва «Нефтчи» 2004 йилги мавсумга тайёргарликни бошқа клубларга қараганда анча эрта бошлади. Бу жамоалар Осиё футбол конфедерациясининг (ОФК) қитъа чемпионлар лигаси мусобақасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишлари лозим.

Мамлакат чемпиони сифатида турнирда иштирок этадиган «Пахтакор» яқинда бронза медал соҳиби «Навбахор» жамоаси билан назорат учрашувини ўтказиб, ўқув-машгулот йиғинининг биринчи босқичини якунлади. Учрашувда С.Жепаров ва М.Бикмаев томонидан киритилган голлар пойтахтликларга 2:0 ҳисобида ғалаба келтирди. Эътиборли томони шундаки, «Пахтакор» таркибига қатор янги ўйинчилар қўшилган. Наманганликлар билан бўлган ўйинда Россия чемпионатида иштирок этган Б.Ашурматов, А.Власичев, ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамизда ўйнаган И.Суюнов, Ю.Цой («Бухоро»), Понамарёв («Кизилқум») каби футболчилар «Пахтакор» сафида майдонга тушди.

«Пахтакор» футболчилари учун ўқув-машгулот йиғинларининг иккинчи босқичи хорижда ташкил этилади. Тошкентликлар Бирлашган Араб Амирликларида 10 кунлик йиғин ўтказиш учун 4 январь куни сафарга чиқди. Шунингдек, 17-25 январь кунлари Москвада бўладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионлари кубоги ҳам пахтакорчилар учун мавсумга тайёргарлик вазифасини ўтайди.

«Пахтакор» Осиё чемпионлар лигасидаги иштирокини 11 февраль куни бошлаши маълум бўлди. Шу куни пахтакорчилар Эроннинг Исфохон шаҳрида «Зоб Ахан» жамоаси билан куч синашади. Футболчиларимиз ўз майдонидаги биринчи учрашувни 25 февраль куни Қатарнинг «Қатар спорт клуб» жамо-

асига қарши ўтказилади. Шунингдек, «А» гуруҳининг яна бир вакили — Баҳрайннинг «Ар-Риффа» клуби ҳам 6 апрель куни юртимизга келади.

«Нефтчи» жамоаси ҳам бу гал ушбу турнирда муваффақиятли қатнашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Фарғоналиклар дастлабки ўқув-машгулот йиғинини Бирлашган Араб Амирликларида ўтказди. Ҳозир жамоа мавсумга Фарғонада тайёргарлик кўрмоқда. Утган мавсумда Ю.Сарқисянга захирада маҳоратли футболчиларнинг камлиги панд берган эди. Мавсум оралиғида у «Нефтчи» таркибини иккидори ўйинчилар билан бойитмоқда. Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашган айрим футболчилар ҳам «Нефтчи»да ўйнаш истагини билдирган.

«Нефтчи» Осиё чемпионлар лигасидаги ўйинини пахтакорчилардан бир кун олдин бошлайди. Қизиғи шундаки, фарғоналиклар ҳам биринчи учрашувни Исфохонда ўтказилади. 10 февраль куни бўладиган беллашувда Ю.Сарқисян шогирдлари маҳаллий жамоа — «Сепакан» қаршилигини синдириши лозим. Айтиш жоизки, илк бор ташкил этилган қитъа чемпионлар лигасида айнан эронликлар «Нефтчи»ни мусобақадан чиқариб юборганди.

Фарғоналиклар ҳам иккинчи тур баҳсини ўз майдонида ўтказилади. 24 февраль куни Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоаси Фарғонада майдонга тушади. «D» гуруҳидаги учинчи жамоа — «Ал-Арабий» (Кувайт) 7 апрелда водийга келиши белгиланган.

Ў.А.



ШВЕЙЦАРИЯ БАЙРОГИДАГИ ХОЧ АҚШ АВТОМОБИЛИДА

АҚШнинг донги кетган "Chevrolet" русумидаги автомобиллари асосчиси, жаҳон автомобилсозлигининг тараққиётига катта ҳисса қўшган Луи-Жозеф Шевроле таваллудига 135 йил тўлди. У 1873 йилда Швейцариянинг француззабон аҳолиси яшайдиган қисмида дунёга келган эди.

Бўлажак автомобилсоз ўн ёшга тўлганида унинг оиласи Францияга кўчиб ўтди. Бу даврда Франция жаҳон автомобилсозлик саноатининг марказларидан бирига айланганди.

Техникага ёшлигидан қизиққан Луи Шевроле "Mors" компаниясига қарашли автозаводлардан бирига ишга жойлашиб, завод ўтказган автопойгаларнинг фаол иштирокчисига айланади. Бироқ "Mors" автомобилида пойгада иштирок этиш Луига насиб қилмайди. У дастлаб Канадага, кейинчалик эса АҚШга кўчиб ўтади.

Луи АҚШга кўчиб келгандан кейин ишни Италияга қарашли FIAT компаниясининг АҚШ филиалида автопойгачи сифатида бошлади. Бироқ у ўз омадини автомобилсозлик соҳасида ҳам синаб кўришга қарор қилади.

1908 йилда "General Motors" автомобилсозлик компаниясининг тузилиши Луи Шевроле учун имкониятлар эшигини очиб беради.

Фирма раҳбарияти Луига янги пойга автомобиллари лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини топширади. Шундай қилиб, янги яратилган пойга автомобили унинг асосчиси номи билан "Шевроле" деб аталди. Автомобилнинг олд қисмидаги белгиси шаклан Швейцария байроғидagi хочни эслатарди.

Шевроле 1918 йилдан "Frontenac" автомобилсозлик фирмасига ишга ўтади ва бу ерда спорт автомобилларини яратишда жиддий муваффақиятларга эришади. У пойгаларда эришилган ғалабалари орқали ўз автомобилларининг харидорлигини ҳам оширди.

1924 йилга келиб йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи корпорацияларнинг вужудга келиши натижасида Frontenac каби кичик компаниялар тугатилди. Шевроле русумидаги автомобилларнинг бозори касодга учради. Жиддий муваффақиятсизликка учраган Луи-Жозеф Шевроле 1941 йилда вафот этди.

Бироқ Луи Шевроленинг меҳнати исзис кетмади. Жаҳонга машхур Шевроле автомобиль маркаси ундан ёдгорлик бўлиб қолди. Ҳозир мазкур автомобиль фирмаси "General Motors" корпорацияси таркибиде фаолият юритмоқда.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Оммавий ватанпарварлик ойлиги

САФДА ЎҚУВЧИЛАР

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юқоричирчиқ туман кенгашилари ҳамкорлигида оммавий ватанпарварлик ойлиги доирасида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари орасида мусобақа ташкил этилди.

Унда 100 дан ортик ўқувчилар граната отиш, арқон тортиш, тош кўтариш, сафда юриш каби машқларни бажаришди. Қизгин баҳслар остида ўтган мусобақада 4-ўрта мактаб биринчи, 7-

мактаб иккинчи, 10-мактаб жамоалари учинчи ўринни эгаллашди. Фолиблар фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Латифжон МАНСУРОВ.



Тахририятимизда Янги йил янги бинога кўчишдан бошланди. Ажойиб қулайлик, ҳар бир ходим учун алоҳида хона. Бу қулайликдан ҳатто, янги ишга келган корректор ҳам бенасиб қолмади. Унга масъул котиб рўпарасидаги бўлма ажратиб берилди.

Мажлисда муҳаррир: «Янгиликни ҳар ким ўзидан, ўз иш жойидан бошлаши керак», деган эди, бунга биринчи бўлиб шу корректор амал қилди.

У ғайратли, кабинетга ўч йигит экан, бирпасда хонани музейга айлантирди-қўйди. Дастлаб, иккита стол кириптиб, устига оқ қоғоз тўшади. Кино журналлардан кўчириб олинган чиройли актрисаларнинг суратларини териб, устидан ойна босиб қўйди. Деворларга номдор кўшиқ дасталари ва машхур хонандаларнинг суратлари туширилган рангли афишаларни ёпиштириб ташлади. Кичик столга иккита гултувак қўйилди. Жой йўқлигидан тахририятнинг «Помир» совутгичи ҳам шу ерга киритилди. Эртасига электр самовар, иккита чойнак, ликопча ва тўртта пахта гулли пиёла келтирди. Хонама-хона кириб, кўнглига яқинларни чойга таклиф қилиб чиқди. У қон босими баланд, буйраги касалларга — кўк чой, босими паст, совуқлиги ошганларга — қора чой дамларди. Учунчи кун унинг хонасидан баланд музыка овози, тўғрироғи, баланд шовқин-сурон эшитилди. Отахон лақабли хатлар бўлими мудири секин келиб эшикдан мўралади: ўртада корректор йигит, атрофида бир гуруҳ қизлар.

— Нима гап, тинчликми? — деб сўради Отахон.

Корректор йигит ўтирган еридан: — «Бони-эм», — деди эйтиборсиз оҳангда.

— Нима! — деди хатлар бўлимининг мудири кўзларини олайтириб. — Кимни эм, дединг?

Корректор йигит ўтирган еридан: — «Бони-эм», — деди эйтиборсиз оҳангда.

— Нима! — деди хатлар бўлимининг мудири кўзларини олайтириб. — Кимни эм, дединг?

Корректор йигит ўтирган еридан: — «Бони-эм», — деди эйтиборсиз оҳангда.

— Нима! — деди хатлар бўлимининг мудири кўзларини олайтириб. — Кимни эм, дединг?

Корректор йигит ўтирган еридан: — «Бони-эм», — деди эйтиборсиз оҳангда.

— Нима! — деди хатлар бўлимининг мудири кўзларини олайтириб. — Кимни эм, дединг?

Корректор шошилиб магнитофонни пасайтирди.

— Кечирасиз, мен «онангни эм» демадим, — деди кўллари асабий ўйнатиб. — Шунақа ансамбль бор, номи «Бони-эм».

Хатлар бўлими мудири: — Ҳа, биламан, биламан, яхши ансамбль, — деди мазкур дастадан хабари бўлмаса ҳам, — бироқ одамлар ишляпти-ку.

Магнитофон ўчирилди. Қизлар бирин-кетин чиқиб кетишди. Орадан ўн кун ўтгач, будли-шудлигина корректоримиз яна бир нарсани олиб келди. Бу — «Юность» маркали жажжи телевизор эди.

Шундан кейин қишлоқ хўжалиги ва маданият бўлимининг мудириларни футбол ўйинларини шу ерда томоша қиладиган бўлишди. Муҳаррир ўринбосари шоҳмотга ўч эди. Корректоримиз шоҳмот ўйнашни билмасида, кўлда ясалган 51 сўмлик шоҳмот тахтаси олиб келиб қўйди. Энди муҳаррир ўринбосари ишдан кейин ёки бўш вақтларида бошқа идоралардан чиқадиган улфатлари билан бемалол шоҳмот ўйнайдиган бўлди. Корректор ўйин давомида унинг кайфиятига қараб, дам кулиб, дам жиддий тортиб ўтирарди. У кабинетга яна кўп нарсалар келтирди: тилла балиқчали аквариум, канарейка... Орадан бир ой ўтар-ўтмас, корректоримиз кабинетида яна бир янгилик рўй берди. Афсуски, бу янгиликдан унинг ўзи ҳам, биз ҳам қаттиқ хафа бўлдик. Чунки... қалтис хато ўтиб кетгани учун унинг кабинетида янги корректор келтирилган эди.

Шошманг. Давами бор. Эски корректор эса икки ойлик таътилдан кейин ўринбосарнинг таклифи билан бўлимга ўтказилди. Бу хонада улар икки киши бўлиб, уни бежаб, қайта қуришга собиқ корректор негадир ҳозирча ботинолмай турибди.

Кўрайлик-чи...

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.

Неъмат АМИНОВ.



(Ҳажвия)

Бу — қизиқ

«МЕКСИКА ИКРАСИ»

Мексикалик олимларнинг фикрича, одам юздан ортик турдаги ҳашаротни истеъмол қила олар экан. Улар танасидаги мавжуд протеин ва витаминлар тўйимлилиги жиҳатидан бемалол гўшт ўрнини боса олади. Бу юртда чумоли «тухуми» ҳам севиб истеъмол қилинади, унинг туси ва мазаси оддий икраникидан сира фарқ қилмайди. Шу сабаб бўлса керак у «мексика икраси» деб аталади.

ФАЛАТИ ПЛАСТИР

Маълумки, денгиз ва дарёда кемада сузилаётганда ёки самолётдаги парвоз чоғида баъзи кишиларнинг боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлади. Ана шундай вақтда кулоқ орқасига пластир ёпиштириб олинса, ҳеч қандай хавотирлик сезилмайди. Бундай пластирни Швейцариянинг «Циби-Чейги» фирмаси мутахассислари ишлаб чиқишган. У кўнгли айнашнинг олдини оловчи скополами моддаси билан тўйинтирилган бўлиб, бу модда маълум миқдорда терига шимилиб боради ва бош айланиши, кўнгли айнишига йўл қўймайди.

АРХИМЕДНИНГ ҚАБРИ

Археологлар Сицилиядаги Сиракуза шаҳрида олиб борган қазилма ишларида қадимги Рим қабристонларидан бири топилган. Унда серхашам қилиб безатилган йигирма тобут ўрганилди. Мутахассисларнинг фикрича, бу ердан сал нарида жойлашган қабрга Архимед дафн қилинган.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси тахририятнинг собиқ ходими, кекса журналист

Холмурод ШАРИПОВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Биласизми?

ЁФИНГАРЧИЛИКНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

◆ Агар қуёш чиқаётган пайтда ҳаво соф бўлса ёки қуёш чиқишидан аввал осмонда булут парчалари кўринса ёхуд қуёш ботаётганда булут бўлмаса, ботишидан аввал қизғиш булут парчалари намён бўлса, буларнинг ҳаммаси ёмғир бўлишининг аломатидир.

◆ Агарда учинчи ёки тўртинчи кунда ой кенг ва энли кўринса, ҳаво ғуборли бўлса ёки ой чиқаётган пайтда қизилга мойил бўлса, қуёш чиқаётганда уни булут парчалари ўраб олса, ботаётганда унинг чап томонида қора булутлар кўп йиғилган бўлса, буларнинг барчаси ёмғир бўлишига далилдир. Қозон ўчоқдан олинганда ёки овқат пишишидан аввал қозоннинг тағида учунларнинг кўп бўлиши, товукнинг ҳадеб ўзини титкилайвериши, жимиб кетиши,

думларини узун ва тўғри қилган ҳолда ғарб томонга қараб туриши, бўриларнинг қишлоқларга кўп оралаши ҳам шундан далолат қилади. Айниқса, бу ҳолатлар ой бошида ва ой охирида юз берса, (юқоридагиларга) аниқ далилдир.

◆ Модомики, ой атрофида соф қизиллик пайдо бўлса, совуқнинг қаттиқ бўлишига далилдир. Икки қизғиш ёки сарғиш доиранинг пайдо бўлиши ҳам совуқнинг қаттиқ келишига белгидир.

◆ Чивинларнинг уй ичида тўпланиб «ашула» қилиши, қўйларнинг ўтлоқда осмонга сакрашлари, хонадаги чирок ёниб турсада, уйнинг қоронғига ўхшаб кетавериши — буларнинг ҳаммаси совуқ бўлишига ишорадир.

Саид ҲАКИМОВ тайёрлади.

Об-ҳаво

Гидрометеорология

Бош бошқармасининг хабар беришича, 7 январь кун Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёфингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТНИНГ
ТАШКЕНТНИНГ

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.